

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСОМИДДИНОВ АЗИЗБЕК АБДУМАЖИДОВИЧ

**ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Исомиддинов Азизбек Абдумажидович

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий
омиллари.....3

Исомиддинов Азизбек Абдумаджидович

Социокультурные факторы повышения интеллектуального потенциала
молодежи.....17

Isomiddinov Azizbek Abdumajidovich

Socio-cultural factors of increasing the intellectual potential of young people..31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....35

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСОМИДДИНОВ АЗИЗБЕК АБДУМАЖИДОВИЧ

**ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fa363** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Анджион давлат университети веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маматов Мамаджан Аҳмаджанович фалсафа фанлари доктори
Расмий оponentлар:	Раматов Жуманиёз Султонович фалсафа фанлари доктори, профессор Қаҳҳорова Матлюба Манофовна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Анджион давлат университети ҳузуридаги фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD 03/30.06.2020.Fa1.60.04 рақамли Илмий хенгшанинг 2022 йил «09» 06 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Анджион шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: adu_info@edu.uz Анджион давлат университети Ижтимоий иқтисодиёт фанлар факультети биноси, 2-қават, 101-хона)

Диссертация билан Анджион давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Анджион шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2022 йил «4» 01 да тарқатилди.
(2022 йил «21» 01 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



Ф.Х. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий фанлари доктори, профессор, фалсафа фанлари доктори, доцент

А.А. Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий фанлари доктори, профессор, фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент

Т.А. Артиков

Илмий даражалар берувчи илмий фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий семинар раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ижтимоий жараёнлар ёшлар интеллектуал салоҳияти ижтимоий-маданий омилларига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»сида белгиланганидек, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бандлик, замонавий таълим орқали ёшлар салоҳиятини юзага чиқариши учун шарт-шароит яратиш бутун дунёнинг иқтисодий, ижтимоий барқарорлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашга замин бўлиб хизмат қилмоқда¹. Шу боис ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш, ижтимоий-маданий омилларни илмий асосда ўрганиш ва уларни жамият ҳаётига татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёдаги етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказлари томонидан амалга оширилаётган илмий-фалсафий тадқиқотларда интеллектуал салоҳият, ёшлар интеллектуал хулқ-атвори, ёшлар интеллектуал масъулияти муаммоларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги тез ўзгарувчан даврда ёшлар интеллектуал салоҳиятининг жамиятга ижобий таъсирини асослаш ва уни юксалтириш жараёнини фалсафий тадқиқ этишга янгича методологик ёндашувларга, тадқиқотларга бўлган зарурат кучаймоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Ёшлар – келажагимиз» жамғармаси, «Ёшлар клуби», «Ёш тадбиркорлар», «Темурбеклар мактаби», «Президент мактаблари», «Ижод мактаблари», «Ёшлар кутубхонаси» кабиларнинг ташкил этилиши ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқармоқда. Ўзбекистон Республикасида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш ташаббус ва «Айни пайтда ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур»² лиги устувор аҳамият касб этмоқда. Бу жамият тараққиётида ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларини бажарилишининг стратегик мақсадига асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ <https://parliament.gov.uz/uz/events/other/32058/> БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция: умумжаҳон ёшлар сиёсатини шакллантиришга хизмат қилади.

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 23.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалда бажарилишига мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларининг демократик қадриятларга мувофиқ юксалтиришдаги аҳамиятига оид концептуал ғоялар Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларида³ очиб берилган. «Ҳозирги замонда интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда. Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшлари – мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда»⁴, шу нуқтаи назардан жамиятда ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омиллари аҳоли турмуш шароитининг ижобий тарафга ўзгараётганлигида намоён бўлмоқда.

Жамиятда ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалиши маънавий, ижтимоий-маданий янгиланиш омили эканлиги Шарқ ва Ғарб мутафаккирлар ижодида очиб берилган. Хусусан, Ал-Фаробий «Фикрлаш қуввати тасаввур ёрдамида бахт-саодатга етишув учун қандай иш-ҳаракатлар қилиш зарурлигини билиб олади»⁵ деб таъкидлайди, бу фикр жамиятдаги ижтимоий-маданий жараёнларда интеллектуал салоҳиятнинг кафолати эканлигининг яққол далилидир. Арасту «Муносиб одам бўлмоқ-фазилатларга эга бўлмоқ демакдир. Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаолият юритмоқчи бўлган одам ахлоқи фозил бўлмоғи керак»⁶, деган фикрлари жамият барқарорлигида ёшлар ахлоқли бўлиши кераклигининг исботидир. Юсуф Хос Ҳожиб «Билиб сўзлаган сўз доноликдир»⁷, дейди. Унинг фикрича, оқилона, билиб айтилган сўз наф келтиради. Бу эса мамлакатдаги ижтимоий-маданий фаровонликда ёш раҳбар-кадрларнинг масъулиятини оширади.

Россиялик файласуф В.Б.Тарасов интеллект индивиднинг маълум даражада мустаҳкам, барқарор ақлий қобилиятлари тузилишини⁸ асослаган.

³ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.; Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.; Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 456 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ёшлар 2020: Глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига табриги. <http://xs.uz/uz/site/newspaper>.

⁵ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 239.

⁶ Арасту. Ахлоқи кабир. Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 96.

⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: Фан, 1971. – Б. 81.

⁸ Тарасов В.Б. От многоагентных систем к интеллектуальным организациям: философия, психология, информатика. - Москва: Эдиториал УРСС, 2002. – С. 352.

Н. Бостром интеллект – инсоният учун мавжуд бўлган муаммоларни ечишга қодир ақл, эканлигини моҳияти ва ривожни бўйича турли фалсафий қарашлар билан боғлиқлигини, Д.Миллер ва Ю.Галантер субъектив тафаккурни амал қиладиган жараёндаги ижтимоий-маданий омиллар тизими⁹ сифатидаги ривожланишига таъсирини илмий таҳлил қилган. Н.Луман жамиятда ижтимоий-маданий технологияларнинг кадрлар салоҳияти билан боғлиқлигини¹⁰ ўрганган. Шунингдек, Россия Фанлар Академияси социал бошқарув ва социологик технологиялар институтининг «ЦОРУСТ» маркази¹¹, АҚШдаги Ёшлар сиёсати давлат департаменти ва халқаро ривожланиш бўйича агентлик (USAID)¹²да ёшларнинг долзарб бўлган ижтимоий аҳамиятга молик масалалари тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистон файласуф олимлари томонидан ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг баъзи муҳим жиҳатлари тадқиқ этилганлигини эътироф этиш лозим. Масалан, профессор О.Оқюлов, интеллектуаллик капитал нарсаларга нисбатан устувор аҳамият касб этишига¹³, Б.Ш. Усмонов, М.Қ.Қодиров, Ж.Д.Элгазаровлар инсон капитали бу профессионализм, билимга интилиш, ахборот таъминоти, соғлиқ, оптимизм, ташаббус ва меҳнатсеварлик хислати эканлигига¹⁴, файласуф О. Файзуллаев эса, интеллектуаллик функционал жиҳатдан инсон қобилияти имкониятларини олдиндан билиш, унинг фикрлаш усуллари ва воситалари турларини¹⁵, профессор С.Отамуротов, миллий маънавий салоҳиятни юксак даражаси сифатида шахс салоҳиятини шакллантириш¹⁶ зарурлигига эътибор қаратган.

Ўзбекистонда инсон салоҳияти, интеллектуал салоҳият, инсон капитали, ёшлар салоҳиятини оширишнинг муаммоларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, М.Тешабоев ўзининг докторлик диссертациясида Ўзбекистонда ёшларнинг ахлоқий маданиятини юксалтириш жараёнларини, А.Эгамбердиев ёшларда инновацион онг шаклланишининг ижтимоий-фалсафий масалаларини, И.Сиддиқов ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатини, Т.Исмоилов Ўзбекистонда уюлмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашнинг институционал тизимини¹⁷ илмий тадқиқот ишларида асослаган. М.А.Ахунов инсон салоҳияти омилини фалсафий таҳлили¹⁸, Ф.Х.Юлдашева маънавий янгилиниш даврида инсон салоҳиятининг роли¹⁹ масаласини тадқиқ этган.

⁹ Роберт Фрейджер, Джон Фейдимен. Радикальный бихевиоризм. Б. Скиннер. – Санкт-Петербург. Прайм-Еврознак, 2007. – С. 125.

¹⁰ Niklas Luhmann: Der Werdegang // Luhmann-Handbuch. Leben — Werk — Wirkung / O. Jahraus / A. Nassehi u.a. (Hrsg.). — Stuttgart; Weimar: J.B. Metzler[en], 2012. – P. 271.

¹¹ Центр социологии управления и социальных технологий. Институт Социологии РАН.

¹² Агентство США по международному развитию.

¹³ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2005. – Б. 11.

¹⁴ Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элгазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли (илмий-оммабоп рисола). – Самарқанд: СамДУ, 2015. – Б. 14.

¹⁵ Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – Б. 124.

¹⁶ С.Отамуротов Глобаллашув ва миллат (сиёсий фалсафий таҳлил) Тошкент «Янги аср авлоди» 2008. –Б.49.

¹⁷ Мазкур олимларнинг ишлари «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

¹⁸ Ахунов М.А. Инсон омили-ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи ва бош мақсади. Илмий хабарнома. – Андижон, 2016. – №1. – Б. 50-53.

¹⁹ Юлдашева Ф.Х. Маънавий янгилиниш даврида инсон салоҳиятини роли. Илмий хабарнома. Махсус сон. – Андижон, 2020. –Б. 25-32.

Салоҳият, ёшлар интеллектуал салоҳиятига бағишланган илмий ишларда ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг айнан ижтимоий-маданий омиллари етарли ўрганилмаганлиги боис мазкур тадқиқот ишида ёшлар интеллектуал салоҳиятининг жамият тараққиётидаги роли ва интеллектуал салоҳиятни оширишнинг ижтимоий-маданий омилларини ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассассининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-20170930223 «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қобилият, фикр юритиш усул ва воситалари, борлиққа муносабат ва маданий қадриятларнинг замонавий онтологик тенденциялар билан уйғунлашиши натижасида шахс интеллектуал салоҳиятининг шаклланишини аниқлаш;

интеллектуал салоҳият шахс дунёқарашининг намоён бўлиш шакли эканлиги аниқланган ва аҳолининг турли қатламларининг эҳтиёжларини қондириш, мулоқот ва билим эгаллаш воситаси сифатидаги фалсафий моҳиятини очиқ бериш;

ёшлардаги интеллектуал салоҳиятининг ижобий динамикаси инновацион тафаккур, креатив ёндашув ва танқидий фикрлаш кўникмаларининг тафаккур тарзининг консерватив ҳамда нигилистик шаклларига нисбатан устувор бўлиши натижасида шаклланишини асослаб бериш;

маърифат ва илмий билиш ҳамда фаол фуқаролик позицияси каби қадриятларни шакллантириш ёшлар интеллектуал салоҳиятни ошиқ боришининг ижтимоий-маданий омилли эканлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатда ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омилларидан фойдаланиш амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омиллари ҳаётга татбиқ этиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда диалектик, тарихийлик, тизимлилик, праксиологик ва социологик ёндашувлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

қобилият, фикр юритиш усул ва воситалари, борлиққа муносабат ва маданий қадриятларнинг замонавий онтологик тенденциялар билан уйғунлашиши натижасида шахс интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши аниқланган;

интеллектуал салоҳият шахс дунёқарашининг намоён бўлиш шакли эканлиги аниқланган ва аҳолининг турли қатламларининг эҳтиёжларини қондириш, мулоқот ва билим эгаллаш воситаси сифатидаги фалсафий моҳияти очиқ берилган;

ёшлардаги интеллектуал салоҳиятининг ижобий динамикаси инновацион тафаккур, креатив ёндашув ва танқидий фикрлаш кўникмаларининг тафаккур тарзининг консерватив ҳамда нигилистик шакллариغا нисбатан устувор бўлиши натижасида шаклланиши асослаб берилган;

маърифат ва илмий билиш ҳамда фаол фуқаролик позицияси каби қадриятларни шакллантириш ёшлар интеллектуал салоҳиятни ошиб боришининг ижтимоий-маданий омили эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш жараёнининг ижтимоий-маданий омиллари очиқ берилган;

Янги Ўзбекистон тараққиётида ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришнинг аҳамияти ва зарурати асослаб берилган, тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг конструктив мақсадлари, шунингдек тарбия жараёнини ташкил этишдаги ўрнини аниқлашга оид илмий тадқиқотлар олиб боришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида «Фалсафа», «Педагогика», «Социология», «Фуқаролик жамияти», «Тарбия» фанлари бўйича маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва олий таълим тизимининг ёшларга оид услубий тавсияларини ишлаб чиқишда намоён бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омиллари бўйича илмий асосда ишлаб чиқилган тақлифлар асосида:

қобилият, фикр юритиш усул ва воситалари, борлиққа муносабат ва маданий қадриятларнинг замонавий онтологик тенденциялар билан уйғунлашиши натижасида шахс интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши сифатидаги янгиликларидан Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2021 йил январдаги Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг IV йўналишига оид «Ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш чора-тадбирлари» 34-банди Интернет майдонида ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали курашишни таъминлаш мақсадида марказ ходимлари ва «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари учун «Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари» мавзусида туркум ҳудудий ва масофавий ўқув жараёнлари ташкил этиш ҳамда тарғибот

ишларини амалга оширишда ва ёшларда мафкуравий тарғиботни кучайтиришда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат Кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 4 август 02/08-893-сон далолатномаси). Тадқиқот натижаси узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг амалиётга жорий этилиши ҳамда «Беш ташаббус» лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

интеллектуал салоҳият шахс дунёқарашининг намоён бўлиш шакли эканлиги аниқланган ва аҳолининг турли қатламларининг эҳтиёжларини қондириш, мулоқот ва билим эгаллаш воситаси сифатидаги фалсафий моҳиятига оид қарашларидан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Фарғона вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг 2021 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари ижроси бўйича иш режасини тузишда, жумладан, ҳудудий дастурнинг IV-бўлим «**Баркамол, эркин, кучли ва жасур ёшлар – жамият таянчи, келажагимиз бунёдкорлари**» деб номланган 5-банди ижросини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган. (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар Ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаш ижроия кўмитасининг 2021 йил 4 ноябрь 01-27/875-сон маълумотномаси). Натижада фаол ёшларнинг интеллектуал маданиятга нисбатан ижобий муносабатининг шаклланиши, ёшлар ўртасида **келажагимиз бунёдкорларининг** етишиб чиқишига хизмат қилган;

ёшлардаги интеллектуал салоҳиятининг ижобий динамикаси инновацион тафаккур, креатив ёндашув ва танқидий фикрлаш кўникмаларининг тафаккур тарзини консерватив ҳамда нигилистик шаклларига оид хулосаларидан фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги 2021 йил 29 ноябрь 06-06/3-1680-сон маълумотномаси). Натижалар амалиётга жорий этилиши ёшлар интеллектуал салоҳиятини тарбиявий жиҳатларига нисбатан ижобий муносабатнинг шаклланиши, ёшлар ўртасида интеллектуал фаолликни янада ортишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республика, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти ва предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг «**Ёшлар интеллектуал салоҳиятини ўрганишнинг ижтимоий-назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларининг мазмун-моҳияти, унинг ижтимоий-маданий омилларининг объектив ва субъектив аҳамиятидан фойдаланишни такомиллаштириш зарурати тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи, файласуф Х.Тюрелнинг «Етук интеллектуал салоҳият эгалари етук интеллектуал даражадаги жамиятни ташкил қилади», деган фикрини қиёсий таҳлил этган, ижтимоий-маданий омилларни инсон ҳаётига ижобий ва салбий таъсирини асослаган. Муаллиф Ф.Жеймсни «Ижтимоий ҳолатда шахснинг ақлий салоҳияти, шахс интеллекти, ақлий қобилиятини ривожлантириш жамият учун муҳим тадқиқот объекти воситаси»²⁰, деган фикрига қўшилади. Зеро, бу инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва касбий фаолияти жамиятда, оилада, ижтимоий гуруҳларда ўз ўрнини топишида унинг ақлий салоҳияти етарли асос бўлишини тасдиқламоқда. Диссертацияда И.Ю. Алексеева ва Е.А. Никитинанинг «сунъий интеллект» ижтимоий-маданий омилларга ва ёшлар интеллектуал салоҳияти, уларнинг замонавий технологияларни ўзлаштириши жамият ҳаётига кескин ўзгартириб юбораётганлиги ҳақидаги қарашига²¹ ижобий баҳо берилган. Муаллиф фикрича, янги уч минг йилликда тараққиёт босқичининг илмий-техника инқилоби ҳосиласи бўлмиш ахборотлар, яъни ғоялар тўқнашуви натижасида, шахс тафаккурида юз берувчи турли хил ўзгаришларнинг кескинлашуви ижтимоий-маданий омилларнинг зарур таркибий қисми сифатида ривожланмоқда. Яъни турли мафкуравий таҳдидлар ва бунинг натижасида ҳосил бўлувчи тафаккур инерциясидан ҳимоялаш, шахс ва жамият интеллектуал салоҳиятини муқобил юксалтиришнинг муҳим усул ва воситаларини яратиш долзарб вазифалардан биридир. Бундай ижтимоий ҳодисалар жараёнларни аниқлашга йўналган қарорларни тайёрлаш, уларни ривожлантириш ва амалга оширишда намоён бўлади. Ҳукуқий демократик давлатда жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш, унинг интеллектуал салоҳиятли вакилларини рағбатлантириш нуқтаи назаридан ижтимоий-маданий омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотда ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш ижтимоий-маданий омилларнинг аҳамияти илмий билиш жараёнида билан бевосита

²⁰ Flynn, James R. (2000), "IQ Gains, WISC Subtests and Fluid g: g Theory and the Relevance of Spearman's Hypothesis to Race", in Bock, Gregory; Goode, Jamie & Webb, Kate, The Nature of Intelligence (Novartis Foundation Symposium 233), Chichester: Wiley. – С. 202–227.

²¹ Алексеева И.Ю., Никитина Е.А. Интеллект и технологии. Монография. – Москва: Проспект, 2015. – С. 107.

боғлиқлиги асосланган. Чунки ҳар қандай илмий кашфиётлар илмий билишда интеллектуал салоҳиятли шахсларнинг ривожланиш босқичларига таъсири билан боғлиқдир. Умуман ақлий қобилиятни ифодаловчи интеллект тушунчаси инсоннинг муайян шароитга мослашуви билан боғлиқ хулқ-атвор фазилатларини умумлаштиради. Шундай қилиб, интеллект, бир томондан, билиш ва ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлигини таъминловчи, бошқаларга асос бўлувчи умумий қобилият ҳамдир. Иккинчи томондан, индивиднинг сезги, идрок, хотира, тасаввур, тафаккур, хаёлдан иборат билиш қобилияти тизимидир. У муайян ижтимоий муаммоларни инсон ақли ёрдамида самарали ва аниқ ҳал этиш имкониятидир

Муаллиф, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайратшижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз»²², деган фикрига қўшилиб, бўлажак ёш раҳбар кадрлар халқ билан мулоқотда ижтимоий-маданий омиллардан самарали фойдаланишни ва интеллектуал салоҳиятини ишга солиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ечиш зарурлигини намоён этади.

Муаллиф фикрича, ижтимоий-маданий ва замонавий-демократик воқеликлар шундан далолат берадики, бундай шахсларни самарали назарий ва амалий фаолиятлари орқали жамиятда демократик ғоялар, идеаллар ва тамойилларнинг қарор топишига эришиш мумкин. Инсоний қадр-қимматини англаш ва бошқарувда учраб турадиган ноҳақликларга адолатли тарзда чек қўйиши зарур. Бу эса жамиятнинг фаол ёш интеллектуал салоҳиятли вакиллари билан билим ва ижтимоий фаолликни талаб қилади.

Тадқиқотчи ёшлар интеллектуал салоҳиятини жамиятни бошқаришда ижтимоий-маданий омиллардан оқилона фойдаланишда умумий қабул қилинган миллий ва халқаро қоидаларга амал қилишнинг аҳамиятини, уларни амалга ошириш жараёни ҳар бир фуқародан аввало билим, кўникма ва малакасини такомиллаштириш зарурлигини асослаган. Ўзбекистонда ахборот технологияларига ихтисослашган касб-хунар коллежларининг ташкил этилиши, Олий ўқув юртиларида ва ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда дастурчиларни тайёрлаш бўйича шартномалар имзоланиши ижтимоий-маданий муаммоларни интеллектуаллик билан ҳал этишга эҳтиёжнинг ортганидан далолат беради. Зеро, ёшлар интеллектуал салоҳияти аҳолининг ижтимоий эркинлиги ва масъулияти муҳим эканлигидан далолатдир.

Диссертацияда ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларини объектив ва субъектив аҳамияти очиқ берилган. Муаллиф фикрича, интеллект салоҳияти – ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши ва улардан ижодий фаолиятда самарали

²² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 491.

фойдаланишини таъминловчи инновацион тафаккур ривожланишининг юқори даражасидир.

Хуллас, жамиятдаги мавжуд интеллектуал салоҳият субъектларини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб ва рағбатлантириб бориш, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш ҳамда илмий ва ижодий фаолиятлари учун кенг имкониятлар яратиш беради.

Диссертациянинг «**Ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришнинг инновацион зарурияти**» деб номланган иккинчи бобда ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда инновацион тафаккурни шакллантириш зарурияти, ёшларнинг ижодий фаоллик ва креативлик динамикаси, уларнинг мотивацион жиҳатининг жамият ҳаётидаги аҳамияти тадқиқ қилинган. Муаллиф фикрича, жамият ва инсон ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришлар пировард натижада онг феноменида ўз ифодасини топади. Онгнинг инсон фаолиятига таъсири, ундаги тафаккур ўзгаришларининг омили ва маҳсули сифатида келиши ижтимоий фалсафий ва психологик тадқиқотларда ёритилган.

Диссертацияда инновацион тафаккурнинг ижтимоий когнитив таъсири, унинг ёшлар онгида ўз аксини топиши илмий асосланган. Бу эса, аввало, инновацион тафаккурнинг онг феноменига тааллуқли воқелик жараёнида очиб берилган. Тадқиқотчи Н.А.Бердяевнинг «Дунёвий зарурият англаниши учун инсон тафаккурида унга мувофиқ келувчи зарурият яратилиши даркор»²³, деган фикрига қўшилади. Зеро, ушбу зарурият фалсафий мушоҳадаларни реал ҳаёт қўяётган муаммолар ечимини излайдиган фанлар, назария ва технологиялар билан бевосита боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга.

Баъзан уни илмий-техник изланишлар, янгиланиш билан боғланганда соҳага илмий-техник янгиликлар олиб кириш, технологик модернизациялаш назарда тутилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизмат турларини замонавий техника воситалари билан алмаштириш инновация сифатида талқин қилинади. Бу талқинда инновацияни ҳар қандай янгиликка ўхшатиш инобатга олинади. Бизнинг фикримизча, у соҳани, объектни, жараённи моҳиятан янги йўналишга солишга қаратилган ижодий фаолият тури, деб билиш ўринлидир.

Диссертант инновацияни илмий-техник ижод тури билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас дейди, у инсон фаолияти ва қизиқишларининг барча томонларига, йўналишларига тааллуқли эканлигини илмий таҳлил қилади. Шунинг учун ҳам «социал инновация», «эстетик инновация», «бошқарув инновацияси» ва «педагогик инновация»ларни ёшлар интеллектуал салоҳиятининг шаклланишида ва уларни ҳаётда татбиқ этиш натижасини назарда тутади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий когнитив жараёнлар уларни шахснинг қобилияти, салоҳияти тарзида реал муносабатларда, деб таъкидлайди. Диссертант, Г.Спенсернинг «Тараққиёт тасодиф эмас, у заруриятдир»²⁴, деган фикри асосида амалга оширилаётган ислохотларни очиб берган. Ушбу заруриятни англаш ёшларда турлича кечади, бу табиий. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий-маданий омиллар нафақат жамиятнинг, балки

²³ Бердяев Н. Фалсафа эркин ижоддир // Тафаккур, 2018, 3 сон. – Б. 31-32.

²⁴ Афоризмы - Минск: Современ. Литератор. 1999. – С. 241.

фуқароларнинг табиий офатларга қарши курашиш, ўзини ўзи ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, интеллектуал салоҳият ва капиталдан оқилона фойдаланиш ёш ишчилар учун ҳам, ташкилотлар учун ҳам кўшимча рақобатбардош устунликларга эришишга ёрдам беради ва бозорда барқарор мавқени таъминлайдиган устувор манба бўлиб хизмат қилади. Жамиятда интеллектуал салоҳиятли ёшларни бошқариш тизимини шакллантириш уларга ушбу ресурсни баҳолаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берадиган мотивация даражани кўтаришда кузатиш мумкин.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувини ёшлар интеллектуал салоҳиятининг оширишга таъсири**» деб номланган учинчи бобида етук кадрларни тарбиялашда ёшлар интеллектуал салоҳиятининг жиҳатлари, мамлакатда ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг аҳамияти очиб берилган. Зеро, бошқарув кадрларининг профессионал салоҳияти давлатнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиётининг омили ҳамдир.

Муаллиф фикрича, янгича фикрлайдиган, масъулиятли етук ёш кадрлар бошқарув усулларини пухта ўзлаштириши учун самарали тизим яратилмаса, ижтимоий-маданий омиллардан фойдаланишни тўлиқ ўзлаштирмаса давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ривожланиш стратегиясида белгиланган аниқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Фаворитизм, лоббизм, непотизм каби кадрлар коррупцияси давом этган давлатда ижтимоий маданий омиллар ривожланса-да, тизим ўзгаришига эришиш мумкин эмас.

Диссертант шу ўринда Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги билим ва фан, ахлоқ ва маърифат соҳасида юксак даражага кўтарилган жамиятда ижтимоий тараққиётга ғов бўлувчи унсурлар бўлмаслиги тўғрисидаги фикрини жамиятда ёшлар интеллектуал салоҳияти билан боғлиқлигини асослаган.

Жамият аъзоларининг кўп йиллик тажрибаси, ақл-заковатидан, маънавий-маданий меросидан фойдаланиш салоҳияти объектив заруриятга айланиб боради. Бу эса энг муҳим босқичлардан бири – ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган босқичдир. Бунда шахс қобилиятининг янги қирралари ва инсоний фазилатлари намоён бўлади, деб ҳисоблайди.

Диссертацияда жамият бошқарувида ёшлар интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилган «Ассессмент маркази» концепциясининг тадқиқида ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан давлатнинг бош ислохотчилик мақоми раҳбарлар, айниқса, бошқарув ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу эса ижтимоий-маданий омиллардан фойдаланишда ижодий фаолиятни тезлаштиради. Ҳозирги даврда замонавий ахборот коммуникация имкониятларидан фойдаланишни билмаслик, инсоннинг анъанавий мулоқот усулларига мойиллиги, унинг жамиятдаги иш услубидан орқада қолиши ва пироворд натижада ўзининг ходим сифатидаги ўрнини йўқотишига олиб келади.

Бугунги кунда шахс маънавияти таркибида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, ақлий фаолияти ва фан кадриятлари ижтимоий ривожланишга жиддий таъсир кўрсатмоқда, шундай экан, унинг ақлий-малакавий

омилкорлиги, илмий тафаккури ва илм-фан соҳасидаги фаоллигининг ўзига хос қонуниятларини билиш ва уларга амалда риоя қилиш муҳимдир.

Диссертант Э.Қадиоровнинг «Ёшлар сиёсий маданияти – шахснинг эрта болаликдан дастлаб оилада, мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири ёки мавжуд ташқи таъсир доирасида давлат, сиёсий тизим, сиёсий институт ва сиёсий жараёнлар ҳақидаги сиёсий онг, сиёсий билим ва сиёсий хулқ-атворининг йиғиндиси»²⁵, деб берган таърифига, ўз муносабатини билдириб, бугунги кун ёшлари маънавий қадриятни сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиши, ўзининг фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, мавжуд имконият ва шароитлардан тўлиқ тўғри ва ўз вақтида фойдалана олиши, ҳалол меҳнат, тadbиркорлик қобилиятларини ривожлантириш ҳамда кўпчилик манфаатини устун қўя олиш хислатларига эга бўлиши зарур деб таъкидлайди.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтирувчи яна бир муҳим йўналиш улар онгида миллий урф-одат ва анъаналарни шакллантиришдир. Миллий урф-одатлар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига сингиб кетган бўлиб, бу урф-одатлар шахс менталитетини исботловчи далил ҳисобланади.

Хуллас, ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг таъсири, зарурати, жиҳатлари давлат ва жамият бошқарувини ижтимоий-фалсафий юксалтиришдаги аҳамияти билан белгиланади. Зеро, ҳар қандай мамлакат ёшлари етук кадрларнинг профессионал салоҳияти давлатнинг ютуғи ҳисобланади. Шу боис ёшлар интеллектуал салоҳияти ижтимоий омилларнинг ўзига хос ижодий фаолият методларининг мажмуи сифатида жамиятда амал қилади, янгилашиш, давр руҳи ўзгаришлари таъсирида янгилашиб боради.

ХУЛОСА

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-маданий омилларидан фойдаланишни такомиллаштиришнинг зарурати долзарб аҳамиятга эга. Бу давлат ва жамият ривожидида муҳим ҳисобланиб, ижтимоий-маданий омилларни тартибга солиш механизми сифатида амал қилади.

2. Ижтимоий-маданий омиллар ва ёшлар интеллектуал салоҳияти тараққиётнинг янги босқичида шахс дунёқарашининг маданий кўринишларидан бири сифатида шаклланган, аҳолининг турли қатламлари эҳтиёжларини қондириш, мулоқот ва билим эгаллаш воситаси сифатида амал қилмоқда.

3. Жамиятда ижтимоий-маданий омиллардан фойдаланишда инсон капитали ва унинг имкониятларини аҳамияти ошиб бормоқда. Бу комил инсонни шакллантириш билан бир қаторда ижтимоий-маданий омилларни ривожлантирувчи етук кадрларни тарбиялаш воситаси бўлмоқда. Етук

²⁵ Қадиоров Э. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 14.

кадрлар давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий-маданий фаровонликни белгиловчи асосий омилдир.

4. Таълим тизимида тарбиянинг таъсирчанлигини кучайтириш ва талаба-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга, ёшларнинг индивидуал қизиқишлари ва интеллектуал қобилияти нуқтаи назаридан уларнинг ижодий фаоллигини оширишга йўналтирилган дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар ва зарур адабиётларни яратиш лозим. Бунинг учун эса замонавий фикрлайдиган ёшларни шахсий тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

5. Олий таълим муассасаларида илмий даража ва унвонга эга бўлган мутахассисларга бўлган талабнинг ошганлиги, мамлакатимизда янгидан вужудга келган университетлар сонининг кўпайганлигини ҳисобга олиб салоҳиятли ёшларни докторлик диссертацияларини тайёрлаш, ҳимояга чиқиши учун мўлжалланган докторантура учун қабул квоталарини кўпайтириш зарур;

6. Ёш кадрларни тарбиялаш амалиёти етарли даражада таъминланиши мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ва адолатнинг ҳукм суришини таъминлашини талаб қилади ва бунга маълум маънода хизмат қилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИДА ҚУЙИДАГИ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

1. Ёшлар интеллектуал салоҳиятининг фавқулодда юз берадиган инкирозлар, узоқ чўзиладиган стресслар, ўз-ўзига бўлган ҳурматни тушуниб етиши ҳолатларида ёрдам берувчи мобилизацион функциясини ривожлантириш;

2. Интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш механизмларини яратиш орқали таълим тизимининг барча босқичларида ҳамда илмий педагогик кадрларнинг малакаси ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ўқув-услугий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

3. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази тарғиботчилари гуруҳи ва олимлар иштирокида Ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ривожлантиришга оид маърузалар тайёрлаш;

4. Республика оммавий ахборот воситалари, шунингдек коммуникация технологияларининг бошқа шакллари асосида ёшларнинг ижтимоий-маданий омиллارга оид муаммоларни янада чуқур таҳлил этишни янги босқичга кўтариш;

5. Инновацион таълим тизимининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрнини ҳисобга олиб, ўқувчи ёшларнинг янги тараққиёт босқичининг ривожланиш жиҳатларини янада тўлиқ англашлари учун нодавлат таълим муассасаларининг сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ;

6. Таълим муассасалари билан ҳамкорликда жамоат ташкилотларининг ёш кадрларини ўқитишнинг замонавий шакллари яратиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИСОМИДДИНОВ АЗИЗБЕК АБДУМАЖИДОВИЧ

**СОЦИОКУЛЬТУРНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации на присвоение ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/Fa1393.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ada.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Маматов Мамалжан Ахмаджанович**
доктор философских наук

Официальные оппоненты: **Рамаев Жуманнёр Султонович**
доктор философских наук, профессор

Кяххорова Матлюба Манововна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «09» Сен 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03.30.06.2020.Fa1.60.04 при Андижанском государственном университете (Адрес: 170100, город Андижан, улица Университетская, дом 129. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agn_info@edu.uz Здание факультета Социально-экономических наук Андижанского государственного университета, 1-й этаж, комната 101).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за № 0) (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университетская, 129. Тел. / Факс: 0 (374) 223-88-30; e-mail: agn_info@edu.uz Андижанский государственный университет, факультет Социально-экономических наук, 1- этаж, комната 101).

Автореферат диссертации разослан «4» 01 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 9 от «4» 01 2022 года).



Ф.Х. Юлдишева

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, доцент

А.А. Эгамбердиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по философским наукам доцент

Т.А. Артиков

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Социальные процессы в развитых странах мира показывают, что интеллектуальный потенциал молодежи связан с социально-культурными факторами. Как указано в Конвенции «О правах молодежи», принятой на десятом форуме Экономического и Социального Совета ООН, создание условий для защиты прав молодежи, реализации потенциала молодежи через трудоустройство и образование служит основой для обеспечения экономической, социальной стабильности и благосостояния во всем мире¹. Поэтому важное значение приобретает повышение интеллектуального потенциала молодежи, изучение на научной основе и воплощение в жизни социально-культурные факторы.

В ведущих научно-исследовательских институтах и центрах по всему миру проводятся исследования, посвященные социально-философскому анализу проблем интеллектуального потенциала, интеллектуального поведения молодежи, интеллектуальной ответственности молодежи. В современном быстро изменяющемся мире возрастает необходимость в новых исследованиях и методологических подходах к философскому изучению процесса обоснования и совершенствования положительного влияния интеллектуального потенциала молодежи на общество.

В нашей стране большое внимание уделяется совершенствованию социокультурных факторов повышения интеллектуального потенциала молодежи. В частности, организация фонда «Молодежь - наше будущее», а также «Молодежного клуба», «Школ молодых предпринимателей», «Школы Темурбеков», «Президентских школ», «Школ творчества», «Молодежной библиотеки» реализует стремление молодежи к науке. В Республике Узбекистан приоритетное значение имеют пять инициатив по повышению духовности молодежи и содержательной организации ее свободного времени, и «В то же время необходимость воспитания нового поколения образованных и квалифицированных кадров, которые могут быть реформаторами, умеют стратегически мыслить»². Это является основой стратегической цели реализации социально-культурных факторов повышения интеллектуального потенциала молодежи в развитии общества.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан ЗРУ-406 от 14 сентября 2016 года «О Государственной молодежной политике», в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5466 от 27 июня 2018 года «О Государственной программе «Yoshlar-kelajagimiz», УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», УП-6155 от 3 февраля

¹ Конвенция Организации Объединённых Наций о правах молодёжи – гарант прав и интересов молодёжи всего мира. - <https://adolat.uz/ru/uzbekiston/konvenciya-organizacii-obedinyonnyh-nacij-o-pravah-molodyozhi-garant-prav-i-interesov-molodyozhi-vsego-mira>

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. (Стратегия Нового Узбекистана) - Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 23.

2021 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения» и других нормативных актах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Концептуальные идеи о значении повышения интеллектуального потенциала молодежи в совершенствовании социокультурных факторов в соответствии с демократическими ценностями раскрыты в произведениях Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева³. «В современном мире интеллектуально и духовно развитая, инициативная молодежь становится драйвером устойчивого прогресса. Сегодня молодое поколение нового Узбекистана – это движущая сила и активный участник динамичных и масштабных реформ по модернизации страны»⁴, с этой точки зрения социокультурные факторы интеллектуального потенциала молодежи в обществе проявляются в изменении условий жизни населения в положительную сторону.

В творчестве мыслителей Востока и Запада раскрыто, что совершенствование интеллектуального потенциала молодежи в обществе является фактором духовного, социокультурного обновления. В частности, аль-Фараби утверждает, что «сила мышления с помощью представления узнает, какие действия необходимы для достижения счастья»⁵, это суждение свидетельствует о том, что интеллектуальный потенциал гарантирует развитие социально-культурных процессов в обществе. Суждение Аристотеля о том, что: «Быть достойным человеком означает обладание качествами. Человек, который желает осуществлять деятельность в общественной и политической жизни, должен обладать добродетельной нравственностью»⁶, доказывает, что для обеспечения стабильности общества молодежь должна быть нравственной. Юсуф Хас Хаджиб сказал: «Обдуманно высказанное слово есть мудрость»⁷. По его мнению, высказанное рационально, на основе знания слово приносит пользу. А это повышает ответственность молодых руководящих кадров за социально-культурное благополучие страны.

